

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖИ ЙЎЛИДА  
ЯНА БИР ҚАДАМ

◆ Бугун, 20 ноябрь куни Бирлашган Араб Амирликларининг «Муслмон оқсоқоллар кенгаши» Бош котиби Муҳаммад Абдулсалом бошчилигидаги делегация юртимизга ташриф буюрди.

◆ Меҳмонлар соҳа раҳбарлари томонидан кутиб олинди.

👉 Самимий ва дўстона кечган мулоқотда сўнгги йилларда мамлакатимизда диний-маърифий соҳага берилаётган эътибор, «жаҳолатга қарши маърифат» билан кураш тажрибаси ҳақида сўз юритилди.

Ўз навбатида Муҳаммад Абдулсалом Ўзбекистонга ташрифидан мамнун эканини таъкидлади. Томонлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари ривожланаётганини эътироф этди.

📅 Маълумки, «Муслмон оқсоқоллар кенгаши» мустақил халқаро ташкилот бўлиб, у 2014 йил 18 июль куни Бирлашган Араб Амирликларининг Абу Даби шаҳрида ташкил этилган.

💰 Кенгаш фаолияти БАА президенти шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Нахаён томонидан қўллаб-қувватланади ҳамда молиялаштирилади.

📌 Кенгашнинг асосий мақсади муслмон оламида тинчликни тарғиб қилиш, низоларни тўхтатишда биргаликда ҳаракат қилиш ҳисобланиб, кенгаш бошқаруви аъзолигига ўзининг мустақиллиги ва мўътадиллиги билан нуфузга эришган муслмон олимлари ва экспертлари жалб қилинган.

✳️ Мулоқот якунида ҳурматли меҳмонга мутасаддилар томонидан эздалик совғалари топширилди.

🌐 Дин ишлари бўйича қўмида

Ахборот хизмати

